



OT
THE NOUN

Отлар шахслар, ҳайвонлар, жойлар, нарсалар, ҳодисалар ва турли мавҳум тушунчаларни ифодаловчи сўзлар бўлиб, **who?** (ким?) ва **what?** (нима?) сўроқларига жавоб бўлади.

Саналадиган ва **саналмайдиган** отлар

Инглиз тилидаги отлар ҳам ўзбек тилидаги каби ўзи ифодалаган тушунчага кўра саналадиган ёки саналмайдиган отларга бўлинади. Баъзи кўп маъноли отлар бир маъносида саналадиган отлар сирасига кирса, бошқа маъноси билан саналмайдиган отлар қаторидан ўрин олиши мумкин. Санала- диган ва саналмайдиган отлар қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

Саналадиган отлар бирлик ва кўплик шакллариغا эга бўлади
бирлик ёки кўпликда келишига қараб бирлик ёки кўплик
шаклидаги феъл билан келади
бирлик шаклида келганда олдида **a, an**, ёки **one** каби
аниқловчилар бўлиши мумкин
кўплик шаклида келганда олдида **many** ёки **few** аниқловчилари
бўлиши мумкин
фақат кўплик шаклида келганда олдидан **some** аниқловчиси
ишлатилиши мумкин
фақат кўплик шаклида олдидан **number of** келиши мумкин

Саналадиган отлар бирлик ва кўплик бирлик шаклидаги феъллар билан келади

олдидан *a, an* ёки *one* сўзлари аниқловчи сифатида келмайди

олдидан аниқловчи сифатида *much* ишлатилиши мумкин

олдидан аниқловчи сифатида *some* келиши мумкин

олдидан *amount of* қўлланиши мумкин